SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 27-MART ■ PAYSHANBA ■ 40 (27.060) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Олий Мажлисда

Аввал хабар қилинганидек, 24 апрель куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлайди. Шу муносабат билан сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, унга Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова бошчилик қилмоқда.

Мазкур ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритиш мўлжалланаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, мамлакатимизнинг икки палатали парламентига сайлов тўғрисидаги Қонун лойиҳаси, 2002 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқиладиган навбатдаги парламент сессиясининг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Сессияни юксак сиёсий, ташкилий савияда, депутатларнинг самарали ишлашлари учун барча зарур шарт-шароитларни таъминлаган ҳолда ўтказиш зарурлиги қайд этилди. Сессиянинг муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан парламент қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари ҳамда ҳокимият вакиллик органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари бу муҳим тадбирга қанчалик пухта тайёргарлик кўришига боғлиқдир.

Депутатлар ишчи гуруҳининг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида унинг таркибида учта кичик гуруҳ тузилди. Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг раиси М.Сафаева бошчилигидаги биринчи кичик гуруҳнинг асосий вазифалари Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ўз вақтида тайёрланишини, сессия материаллари депутатларга олдиндан юборилишини таъминлашдан, норматив ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тушган таклифлар ва мулоҳазаларни умумлаштириб боришдан иборат.

Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ў.Ҳошимов бошчилигидаги иккинчи кичик гуруҳ журналистларни аккредитация қилиш масалаларини ҳал этади, парламент сессиясига тайёргарлик ва сессия иши оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилишини, «Рада-Мажлис» электрон овоз бериш тизимининг пухта ишлашини, ялпи мажлислар иштирокчиларининг маъруза ва нутқлари синхрон таржима этилишини таъминлайди.

Учинчи кичик гуруҳ депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт, тиббий, маиший, маданий ва бошқа хизматлар кўрсатилиши масалалари билан шуғулланади. Бу кичик гуруҳга Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг раиси И.Қаландаров бошчилик қилади.

(ЎзА)

● МАҲСУЛОТ: ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

«UZSALAMAN»нинг ташқи бозорда ҳам ўрни бор

Фарғона шаҳридаги «Uzsalaman» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси маҳсулотлари сифати ва бежиримлиги билан ажралиб туради. Дастлаб эркаклар ёзги ва қишки оёқ кийимларини ишлаб чиқара бошлаган корхона бугунги кунда эркак, аёл ва болаларнинг қирққа яқин турли мавсумий пойабзалларини тайёрламоқда.

«Uzsalaman» сўнгги йилларда нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб бораётганидан хабарингиз бор. Бозор иқтисодиёти талабларига мос иш юритаётган корхонада асосий эътибор маҳсулот сифатига қаратилгани сабабли мижозлар сафи ортиб бормоқда. Айни чоғда корхона маҳсулотлари Россия, Қирғизистон ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари бозорларидан ўз ўрнини топди. Бундай ишонч эса «Uzsalaman»нинг келажаги порлоқлигидан далолатдир.

☆☆☆

Суратда: *тикувчи Ҳилола Парпибоева.*
Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон «BELASIA — 2003» сайёҳлик кўргазмасида

Бельгия пойтахти яқинидаги Бемел шаҳрида анъанавий «BELASIA – 2003» сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди.

«BELASIA» ноҳукумат ташкилот, 1992 йилда Бельгия қироллиги ва Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, инсонпарварлик, маданият ва сайёҳлик соҳаларида муносабатларни мустаҳкамлаш учун ташкил этилган эди. У Жануби-Шарқий, Жанубий Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатларининг йирик сайёҳлик ва авиация компаниялари иштирок этадиган ҳар йилги сайёҳлик кўргазмасини ташкиллаштиради.

Анъанага мувофиқ, ушбу кўргазмада иштирок этувчи мамлакатлардан бирига мезбон мамлакат мавқеи берилади. Бу эса ушбу мамлакатдан фольклор асарларни ўзида мужассам этган маданий дастур тайёрлаб, тақдим этишни ва миллий таомлар кўргазмасини уюштиришни талаб этади.

Ўтган йили Ўзбекистоннинг мазкур анжумандаги илк бор иштироки катта муваффақият билан ўтган эди. Шу боис Бельгия томони мамлакатимизга «BELASIA – 2003»да мезбон сифатида қатнашишни таклиф қилди. Кўргазма ташкилий қўмитаси раиси Жильбер Роелс сўзларига қараганда, ушбу таклиф мустақил Ўзбекистоннинг халқаро сайёҳлик соҳасида муносиб ва тенг ҳуқуқли шерик эканлигининг эътирофидир. Шунингдек, нотиқ Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги тарихий ва меъморий осори-атиқалар, сўнгги йилларда ўзбек мутахассисларининг Сирдарё ва Амударё оралиғидаги жаҳоншумул аҳамиятга молик кўплаб археологик кашфиётлари тўғрисида тўхталди.

Мамлакатимизга бағишланган бўлимда юртимиз ҳаётини акс эттирувчи турли ахборот материаллари, проспект ва буклетлар ҳамда халқ амалий санъати буюмлари намойиш этилди.

Кўргазмада ҳозир бўлганлар бухоролик маданият арбоблари ва «Байрам» гуруҳи вакиллари томонидан маҳорат билан ижро этилган ўзбек халқ рақслари, куй ва қўшиқларидан баҳраманд бўлдилар.

«ЖАҲОН» АА

● БОЛАЛАР СПОРТИ

ФУТБОЛИМИЗ эртага қандай бўлади?

БОЛАЛАР ФУТБОЛИ ЮТУҚЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Жисмоний тарбия ва спорт нафақат саломатликни мустаҳкамлайди, қаддимизни тик, қадамларимизни шаҳдам қилади, инсонни иродали, саботли этиб тарбиялайди. Ва айни пайтда меҳнат қобилияти юқори, интеллектуал имкониятлари кенг, ахлоқий жиҳатдан пок бўлишига хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз спортни ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини янада яхшилашга катта эътибор бермоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўнлаб йирик спорт мажмуалари, ўйингоҳлар, теннис кортлари қад ростлади. Бу саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад – соғлом авлодни, соғлом миллатни тарбиялаш. Болалар ва ёшларни спортга қанча кўп жалб этсак, аҳолини соғломлаштириш шунча юксалади.

Энг оммавий спорт тури эса футбол ҳисобланади. Футболни ривожлантириш орқали аҳолининг кўпчилигини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш мумкин. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг бошиданоқ спортни жумладан, футболни ривожлантириш учун кўпдан кўп чоратадбирлар кўрилди. Вазирлар Маҳкамаси бу масалада икки марта қарор қабул қилди, футбол соҳасига имтиёзлар яратди. Футболни ривожлантириш жамғармаси тузилди. Ўзбекистон терма жамоаси, «Пахтакор», «Нефтчи», «Навбаҳор» каби жамоаларимиз эришаётган ютуқларни кўриб турибмиз. Албатта, мухлислар футболимиз янада юксалишини кутишмоқда. Футболнинг юксалиши, эртага қандай бўлиши эса бугун болалар спортига берилаётган эътиборга боғлиқ.

Хўш, бугун республикамизда болалар спортининг аҳволи қандай? Футболимизни янада ривожлантириш учун нималарга эътибор бермоғимиз зарур?

Яқинда таҳририятимизда таниқли мураббийлар Исоқ Тошмуҳамедов, Акмал Азизхўжаев, Вадим Загороднюк, Маъмур Юсупов, футбол фахрийси ва спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев, Ўзбекистон терма жамоаси сардори Миржалол Қосимовнинг отаси Қўшоқ ака Қосимовлар иштирокида «давра суҳбати» ўтказдик.

4-бет →

● ДИҚҚАТ

«Сиртқи қабул соатлари»

Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар, ўзгаришлар, соҳадаги муаммолар бўйича саволлар, таклиф-мулоҳазаларингиз борми?

Шифохоналардаги шароит, беморларнинг дори-дармон билан таъминланиши, шифокорлар томонидан аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг бугунги аҳволи сизни қониқтирадими?

Сиз тиббиётда қандай муаммоларга, қийинчиликларга дуч келмоқдасиз? Ўзингизни ёки яқинларингизни қийнаб келаётган хасталик юзасидан кимга ва қаерга учрашишни билмаётган бўлсангиз **«Сиртқи қабул соатлари»***га мурожаат қилинг.*

Саволларингизга соғлиқни сақлаш вазири **Феруз НАЗИРОВ** *жавоб беради.*

Биз билан хат, шошилинчнома, факс ёки телефон орқали боғланишингиз мумкин.

Мурожаатлар 10 апрелга қадар қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент, 700000, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти. Телефон: 133-69-45, 136-53-70 Факс: 133-12-56.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Ариқлар, ночор ариқлар»

Газетанинг 2003 йил 20 февраль сонида чоп этилган «Ариқлар, ночор ариқлар» мақоласида кўтарилган масала алоҳида ўрганиб чиқилди. Шуни маълум қиламизки, Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармаси суғориш мавсуми тугагандан кейин, яъни 15 октябрдан 1 апрелга қадар Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги санитария-эпидемиология Бош бошқармаси ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишилган ҳолда ариқ ва каналларни тозалаш ишларини амалга оширади.

Газетадаги суратли мақола ўз вақтида чоп этилган. Кайковус ва Кўкча каналлари катта сув манбаларимиздан бўлиб, узунлиги салкам 9,4 километрни ташкил этади. Унинг ифлосланиш даражаси эса дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 10980 м³дир. Бу салкам 18500 тонна ахлат-чиқинди дегани. Айни кунда каналнинг мақолада қайд этилган қисми тозаланган.

Каналлар ҳудудида жойлашган маҳалла фуқароларининг ариқ-каналларни ифлослантириш, ахлат ташлаш қадриятларимизга зид эканлиги кўрсатиб берилганлиги учун мақола ва сурат муаллифларига жамоамиз номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи А. ҒАНИЕВ

Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

«Тошкент» меҳмонхонаси

Таъмирлаш ишлари қизғин

«Тошкент», «Россия», «Дўстлик» чирой очмоқда

Мамлакатимизга ташриф буюрганлар унинг кенг равон йўллари, беқиёс бозорлари ва ўз навбатида меҳмонларни бағрига оладиган меҳмонхоналарига эътибор берадилар. Бугунги Тошкент халқаро анжуманлар, саммитлар ўтказиладиган шаҳарлар сирасига киради.

Истиқлол шарофати туфайли пойтахтимизда «Интерконтиненталь», «Шератон» каби халқаро андозаларга жавоб берадиган осмонўпар меҳмонхоналар қад ростлади. Эндиги навбат эса мавжуд меҳмонхоналарни қайтадан таъмирлаб, уларни жаҳон талабларига мослаштиришга келган эди. Шу мақсадда пойтахтимиздаги «Дўстлик», «Тошкент», «Россия» меҳмонхоналари бугунги кунда ўзгача кўринишга эга бўлиб бормоқда. Мазкур меҳмонхоналарда дунё стандартлари талаби даражасида қайта капитал таъмирлаш ишлари давом этаяпти. Ҳозирги кунга қадар қурилишга 50 миллион АҚШ доллари сарфланиб, таъмирлаш ишлари асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва хорижнинг «Ле Меридиан», «Айсел», «Дидиман» фирма ва компаниялари томонидан олиб борилмоқда. Иншоотларда икки мингга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти. 700 хонага мўлжалланган мазкур меҳмонхоналар миллий услубда безатилади. Уларда янги типдаги бассейн, ресторан, банкет заллари, фитнес марказ ва магазинлар жойлаштирилган.

«Россия» меҳмонхонаси Туркиянинг «Demir Group» фирмаси томонидан қайта таъмирланиб, унга қўшимча тарзда янги бино қурилаяпти. Бу бинога банкет зали, ресторан ва фитнес марказ жойлаштирилади.

«Sunshine Turon» меҳмонхонасига эса Ҳиндистоннинг «Fashion Factory LTD» ва «Ultumate makek LTD» фирмалари томонидан ҳозиргача 2 миллион 258 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланди.

Меҳмонхоналарни шу йилнинг май ойида тўлиқ фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

«Россия» меҳмонхонаси

«Дўстлик» меҳмонхонаси

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ХОРАЗМЧА ТЎЙ — кимга томоша, кимга... ўй

ВОҲАДАГИ ТЎЙЛАРДА ДАБДАБАБОЗЛИК, ЭСКИЧА, НОКЕРАК УРФ-ОДАТЛАР, РАСМ-РУСУМЛАР, ИСРОФГАРЧИЛИКЛАР ҲАМОН ДАВОМ ЭТМОҚДА. МАСАЛАН, КЕЛИН ТЎЙИНИНГ ЎРТАЧА САРФ-ХАРАЖАТИ ИККИ МИЛЛИОН СЎМДАН ОШИБ КЕТАЁТИР...

Пойтахтда яшайдиган дўстларимдан бири айтиб қолди: «Наврўздан сўнг Хоразмга бормоқчиман, танишимиз тўй қилаётган экан. Бир томоша қилиб келадиган бўлдик!» У хоразмча никоҳ тўйини кўриш орзусида. Тўғри, тўйга нима етсин.

Аммо... узоқ-яқиндан меҳмон айтган тўй эгасининг ташвишлари кўз олдимга келди. Бу мушкулот бир кунлик, бир ой, бир йиллик эмас, нақ умрга татигулик.

Хоразмда ўғил уйлантиришдан мушкул ташвиш йўқ, бу тўйнинг турган-битгани ташвишу ғалва...

Тадорик

Кавказликларда қадимдан қолган одат бор, оилада ўғил фарзанд дунёга келса унга атаб дарахт экишади. Вақти етиб иморатга ишлатиш учун. Яхши одат. Хоразмда эса хонадонда ўғил туғилса, тўйига атаб топган-тутганини сандиққа босади.

Аввало суннат тўйига деб йиғишади. Бунда аёлларнинг ташвиши бўлакча. Кўрпа-тўшак, ёстиқ, бошқа жиҳозлар учун маошдан ва турли майда-чуйда тушумлардан чегириб тўпланади. Бу уч-тўрт йилда йиғилиб, ниҳоят суннат тўйи билан якунланадиган жараён.

Никоҳ тўйига тайёргарлик бундан қийинроқ. Оила бошлиқлари узоқ режа қилишади: «Бу йил тежаб, йиққанимизга узук оламиз, кейинги йилгисига зирак, ундан кейингисига эса...».

Аёллар эса матоларни пайдар-пай харид қилишади. «Эшитдингми, фалон кийим мода бўлганмиш. Фалончи қизи учун ўн қўйлаклик буюрибди...» Бу орада вақт ўтиб, янгилари русум бўлиши-ю, неча йиллаб йиғилган матонинг эскирганини айтинг.

Булар ҳали енгилроғи. Тўй дастурхонига тортилажак спиртли ичимликлар масаласи сал кейинроқ келади. Унгача бирор буқани уч-тўрт йил боқиб семиртириш керак. Қизнинг қалинига атаб бирор нимани «тишнинг кавагига жойлаштириш» ташвиши бор.

2-бет →

● ОЧИҚ ГАПЛАР

МАШАҚҚАТЛИ қадам

ЁКИ ҚАЙСИ ҲИСОБ САМАРАЛИ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Баҳор келиб борлиқ серташвиш, бироқ яшариш, янгиланиш бўйларига тўлиб бораётган кунлар. Кузда ғалласини кўкартириб, экин учун ерни шудгорлаб қўйган деҳқоннинг кўнгли хуш. Шундай кунларнинг бирида Китоб туманидаги «Навбаҳор» ширкат хўжалиги даласидан ғўзапоя олиб чиқаётган бир киши билан гаплашиб қолдим.

— Шунчалик азоб чекиш керакми? — дейди хуноб бўлиб у. — Пахта режасини туманимиз ҳам, хўжалик ҳам октябрь ойидаёқ бажариб қўйганди. Аммо декабрнинг ўрталаригача далага трактор киритгани қўйишмади. Ёмғир, қор сувлари тупроғини роса ивитган даладан энди ғўзапоя олиб чиқаяпмиз. Нима қилайлик, об-ҳаво имкон бермади. Энди лойдан пахса бўлиб қолган ерга экилган чигит қандай ўсиш, қанча ҳосил беришини ҳисоблаб кўраверинг...

Шу заминга қалби туташ кишигина деҳқоннинг изтиробини яхши англайди. Чунки халқимиз ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда, дея бежизга айтмаган. Қолган ишга қор ёғиши азалдан маълум. Бугун ўтган йилнинг якунлари чиқарилиб, янги режага қўл урилаётган кунларда хатолардан сабоқ чиқариш керак. Яна шу туфайли ҳам Қашқадарё вилоятида юз берган, оқибати шу кунгача давом этаётган, шубҳасиз, бу йилги ҳосилга салбий таъсирини ўтказадиган айрим воқеаларни таҳлил этмоқ лозим. Яъни пахта терими асоссиз равишда чўзиб юборилгани, айрим туманларда 18 декабргача давом этгани бот-бот айтилмоқда. Энди савол туғилади: теримнинг чўзилиши, ерларнинг ҳайдалмай қолишини оз бўлса-да, асослаш мумкинми?

Албатта. Об-ҳаво ноқулай келганлиги ҳақида вилоят гидрометеорология бошқармасининг маълумотлари бор. Уларда ҳақиқий аҳвол рўйрост шарҳланган. Ўтган йилнинг 3 декабридаёқ вилоят ҳудудига совуқ оқим кириб кела бошлаган, қиш қаттиқ бўлишидан дарак бераётган эди. Ҳарорат минус 17-18 даражагача пасайганини одамлар ҳануз унутишмаган. 22-23 декабрдан бошлаб совуқ ва иссиқ ҳаво оқимлари учрашуви вилоятда кучли ёмғир ва қор ёғишига сабаб бўлди. Қорнинг қалинлиги қуйи туманларда 25-30 сантиметрга, тоғли ҳудудларда 60-70 сантиметрга етди. Савол туғилади: шундай аҳволда кузги донни тўла экиш, ерни эркин шудгорлаш мумкинмиди? Йўқми? Бўлмаса, яна ҳисоб-китоб қилайлик: нега пахта чўзилди-ю, бундан қандай наф кўрилди?

Ҳисобини билган ҳамёнидан айрилмас, дейдилар. Бундай ҳисоб-китоб вилоятга янги раҳбар келиши, ҳақиқий аҳвол аён бўлганидаёқ қилина бошланган эди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида ўтган семинар-мунозарада маълумотлар яширилмай ошкор қилинди. Масалан, 2002 йилнинг 26 декабригача пахта учун ажратилган ерларнинг 49 минг гектари ёки 28 фоизи ҳайдалган эди, холос. Натижада 6 минг гектар майдонга учинчи йили яна кузги дон экилган. Ҳар қандай деҳқон унумдорлиги пасайган ерда дон ҳосилдорлиги кутилган натижани бермаслигини яхши билади. Бунинг устига шартнома режасини аллақачон бажариб қўйган юқори туманлардагина эмас, Қарши даштидаги туманларда ҳам ерларни ғўзапоядан тозалаш, шудгорлаш қиш давомида олиб борилди. Ёмғир ва қор сувларига роса тўйган айрим майдонларга баҳорнинг илк кунларида ҳам тракторнинг киришга имкони йўқ.

Очиғи, табиий бойликлари билангина эмас, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари салмоғи билан ҳам мамлакатда етакчи мавқега эга вилоятда деҳқончилик ҳамма вақт ҳам осон кечмаган. Об-ҳаво қийинчиликлари, ерларнинг шўрланиши, сув танқислиги ўз таъсирини кўрсатиб келган. Энг кўп — 529 минг тонна пахта 1988 йилда етиштирилганди. Ўшанда ҳам терим ноябрь ойининг бошларида ниҳоясига етганди. Мустақиллик йилларида ерга, мулкка бўлган муносабат кескин ўзгарди. Шунга қарамай, қишлоқ хўжалигида муаммолар кўп эди. Масалан, 2000 йилнинг июнь ойида ўтган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бор-йўғи 3-4 хўжаликда дивиденд тўланганлигининг айтилганлигини эсламай илож йўқ.

Яна ҳақ гапни эътироф этиш керак: вилоятга келган янги раҳбарнинг ташаббускорлиги натижасида сув ўлчагичлар ўрнатилди, коллекторлар тозаланди, янги каналлар қазилди. Энг муҳими, ерни шудгорлаш, экинни ўстиришда қатъий чоралар жорий қилинди. Ана шуларнинг самараси ўлароқ, вилоятда ўтган йили энг кўп дон етиштирилди. Уруғлик дон ўзларидан чикди. Бунинг устига 12,5 минг тонна уруғлик дон сотишга муваффақ бўлинди. Бу, шубҳасиз, катта ютуқ эди. Ўтган йили шартнома режасидаги 420 минг тонна ўрнига 431 минг тонна пахта сотилди. Китоб, Қарши, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари пахтакорлари режани барвақт уддалашди. Бироқ Касби, Косон, Нишон ва бошқа юки оғир туманларда терим чўзилди. Оқибатда пахта терими декабрнинг ўртасигача давом эттирилди. Бугун яна аччиқ ҳақиқат айтилмоқда: вилоят пахта режасини бажаргандан кейин давом эттирилган 20-25 кунлик теримдан ҳеч қандай фойда олинмади. Пахтани қайта ишлаш корхоналарига анча миқдорда сифатсиз хомашё топширилди, холос.

*Ўтган йилнинг якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисда Президентимиз бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида салмоқли натижаларга эришилганлигини тилга олдилар. Шу билан бирга мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги секин ўзгараётган энг оғир соҳа бўлиб қолаётгани ҳақида гапириб, бундай дедилар: **«... бунинг асосий сабаби, аввало, ўз умрини яшаб бўлган эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, одамлар онгида чуқур илдиз отган ўтмиш қолипларидан қутулиш жараёнининг жуда қийин кечаётганида, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз».***

*Ширкатларга айлантирилган барча хўжаликларнинг янгича тартибда ишлаб кетолмаётгани ҳам, раҳбарларни тез-тез алмаштиришнинг салбий оқибатлари ҳам тараққиётга халал бермоқда. Бу ўринда фермер ёки ширкат хўжаликларининг афзаллиги ҳақида тўхталишнинг ҳожати йўқ. Фермерлик ҳаракати — истиқболли йўналиш. Бироқ айни пайтда янги шакл — пайчиликка ўтган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда етакчилик қилаётган ширкатлар ҳам яшашга тўла ҳақли. Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг ушбу сўзлари кўплар учун дастур бўлиши лозим: **«Ширкат хўжаликлари раҳбарларини сайлаш ва лавозимидан озод этиш тартибини тубдан қайта кўриб чиқиш ва қаттиқ назорат қилиш керак, деб ўйлайман. Бу масалада туман ва вилоят ҳокимларининг ўзбошимчалигига чек қўйиш зарур.»***

Бу ҳаётий мулоҳазалар моҳият-эътиборига кўра Қашқадарё вилоятига ҳам тўла таллуқли. Ўтган йилнинг ўзида 40 фоиз хўжалик раҳбарлари алмаштирилди. Ҳатто 2-3 мартадан раис алмаштирилган хўжаликлар бор. Хўш, бунинг бирор-бир самараси бўлдими? Аксинча, пароканда лик юз берди. Айрим ҳолларда иш бошига ташкилотчиликдан бехабар, тасодифий одамлар келиб қолишди. Бинобарин, битта тажрибали раҳбарни камолотга етказиш учун 10-15 йил керак. Иқтидори, қалби одамларга, уларнинг орзу-армонларига пайванд кишилар ҳамиша эл кўз ўнгида. Бундай кишиларни битта буйруқ билан ишдан кетказиш ҳақида ўйлаб кўринг-а?

Яқинда телевидение орқали «Заркент» ширкатининг машҳур раиси Тожибой ота Ризаевнинг қилаётган ишларини кўрсатишди. Сув чиқмайдиган лалмикор ерларда мўл узум ва бошқа маҳсулотлар битмоқда. Умрининг 43 йилини раҳбарликда ўтказаётган инсондан ширкат аъзолари, қишлоқдошлари қанчалик рози. Қашқадарёда ҳам 15-20 йиллаб раҳбарлик қилаётган, одамларнинг дилидан ўрин олган етакчилар озмунча эмас. Бу ҳақда «Жейнов» ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулла ака Саидов менга бундай деганди:

— Сиз мени қаттиққўл, деб ҳисоблаяпсиз-а? Ундай эмас. Ишдан ташқари ҳамма билан бирдекман. Бироқ меҳнат интизоми барчага баробар. Менга ишонган одамлар кўпроқ фойда олсин, яхши яшасин, дейман. Уларнинг ташвишини ўзимга оламан. Агар ишончини оқламаса, одамлар ҳар қандай раҳбардан юз ўгиради...

Бу донишманд инсоннинг далаларда, давраларда, юксак минбарлардан туриб айтгани — катта ҳикмат. Бу ҳикматнинг мағзини чақсак, қандай ном қолдириш ҳам қисмат экан-да. Баъзида вилоятларнинг биринчи раҳбарлари фаолияти ҳақида гапиришдан истиҳола қиламиз. Раҳбар ўзидан, қилган ишларидан рози бўлса, эл-юрт ундан рози бўлади. Ва аксинча. Ҳар кимнинг қилган яхши ишларини ҳеч ким ўзлаштириб ҳам, тортиб ҳам ололмайди. Вақт — ҳакам, давр олга бораверади.

*Бугун Қашқадарё вилоятининг янги ҳокими Нуриддин Зайниевни ҳамма яхши билади. Мамлакатимиз раҳбари унга юксак ишонч билдирдилар. Очиғи, янги ҳокимнинг фаолияти бирмунча машаққат билан бошланди. Бироқ меҳнат, тадбиркорлик ва ҳамжиҳатлик ҳар қандай машаққатни енгади. Туманларда иш бошига янги етакчилар келмоқда. Пахта ҳам, дон ҳам мўл бўлади, бошқа соҳалар ҳам орқада қолмайди. Чунки, озод ва эркин меҳнат нашидаси қалбини тўлдирган қашқадарёликлар орзуси шундай, умиди шундай. Юртбошимиз вилоят кенгашининг 1994 йил июнь ойидаги навбатдан ташқари сессиясида бундай деган эдилар: **«Одамларни бир-бирларига суяниб, таяниб, бир-бирларини тушуниб, муаммоларни биргалашиб бартараф этишга даъват қилиш ҳақиқий раҳбарнинг ноёб фазилати ҳисобланади... Раҳбарликнинг энг буюк мезони — адолат».***

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

● ФАРМОН ВА ИЖРО

АМНИСТИЯ: меҳр-мурувват шарофати ва масъулияти

У яқинда оиласи бағрига қайтди. Етти яшар ўғли «адажон!» дея бўйнига ташланди. Онаси уни қучиб юм-юм йиғлади, ҳурсандчилигининг чеки йўқ эди. Хотининг кўзидан ҳам дув-дув ёш тўкилди, ахир қанча изтироб чекди. Норасида боласининг тақдирини ўйлаб, қанча азобланди, оиласи тақдири, ташвишидан юрак-бағри қон эди. Бугун худди зулматни ёриб қуёш чиққандек, елкасидаги ғам-ташвиш тоғи ағдарилгандек бўлди.

Баҳромнинг ўзи-чи? Эндигина ўттиз ёшга кирди, шундан уч йил умри қамоқда ўтди. Жазо муддати эса етти йил эди. Бу орада хотини, ўғли, оиласи бошидан нималар ўтиши мумкин эди. У кечалари ана шуларни ўйлаб мижжа қоқмай тонг оттирарди. Ўйлаб қадам босмагани, кимларнингдир сохта гапларига учиб, диний ақидапарастлар гуруҳига қўшилиб қолганини ўйлаб тавба-тазарру қиларди. Бир неча бор тегишли идораларга, мамлакат Президентига хат ёзиб, хатосини тушунганлиги, бундан хулоса чиқарганини айтиб, кечирим сўради.

Мана, бугун оиласи бағрида. Президентимиз томонидан кўрсатилган бағрикенглик ва инсонпарварлик шарофати билан эркин ҳаётга қайтди.

Тўғриси, қамоқдан қайтгач, қўни-қўшни, маҳалладошлар юзига қандай қарайман, улар менга қандай муносабатда бўлишаркин, дея ҳайиққанди. Халқимиз қанчалик кечиримли, бағрикенглигини у чуқур англади. Қўни-қўшнилар илиқ кутиб олишди, Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги қошидаги комиссия аъзолари ҳол-аҳвол сўраб келди. Улар ёрдамида туман ҳудудидаги чинни заводига ишга жойлашди.

— Умримнинг уч йилини оиламдан, ота-онамдан узоқда, қамоқда ўтказдим. Кимга қандай билмадим, мен жазони ўтай туриб, ўзимнинг қилган хатоларимни ўйладим. Ҳалол меҳнатдан яхшиси йўқлигини англаб етгач, менга яна бир имкон беришини, ҳаётда тўғри йўлга қайтишимга ишонч билдиришини ўтиниб сўраб Президентимга ариза ёздим. Мени кечиришди... Билиб турибман, олдимда синов турибди, қилган хатоларимни ҳалол меҳнатим билан оқламоқчиман...

— Боламни кечирган инсонни Яратганнинг ўзи ярлақасин, — дейди Баҳромнинг онаси Умринисо опа. — Бошқа бир сўз айтишга ожизман. Оналарга айтадиганим эса болаларимиз нима билан шуғулланаётганини, ким билан дўстлигини доим назорат қилиш керак экан... Бола болада, адашиши мумкин.

Бу оилага шундоққина девордармиён қўшни 24 ёшли Камол Шоқосимов ҳам адашганлардан. Афв туфайли у ҳам оиласи бағрига қайтди. Қўли гул уста, бўёқчи «Ҳалол меҳнатим билан бу қора доғни ювaман...» дейди у ҳаяжонланиб.

Ҳозир республикамизнинг ҳар бир тумани ҳокимлиги қошида афв этилганлар жамиятда ўз ўрнини топиб олишларига ёрдам бериш учун махсус комиссия иш олиб боряпти. Республика «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман ички ишлар бўлими ва бошқа жамоат ташкилотлари афв этилганларни ишга жойлаштириш, ҳаётий кўникма ҳосил қилишларига ёрдам беряпти. Улар энг кам иш ҳақининг олти баравар қийматига тенг миқдорда моддий маблағ билан таъминланяптилар, тиббий кўрикдан ўтиб, лозим бўлса даволаниш муассасаларига жўнатилмоқда.

Пойтахтимиздаги Собир Раҳимов туманида бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳокимлик қошидаги комиссия афв этилганлар билан суҳбатлар ўтказиб, моддий-маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Туман ҳокимининг биринчи муовини Шавкат Эргашевнинг айтишича, ҳеч ким эътибордан четда қолаётгани йўқ. Комиссия аъзолари маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб боряптилар. Туман ҳокимининг ижтимоий масалалар, ўз-ўзини бошқариш, жамоат ташкилотлари масалалари бўйича муовини Зайниддин Муҳиддинов, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Расул Зуфаров, ижтимоий адаптация-мослашув маркази бошлиғи Қаҳрамон Ҳусанов ва бошқа жамоат ташкилоти вакиллари афв этилганлар масаласига энг муҳим вазифалардан бири сифатида қарамоқдалар. Озодликка чиққанларнинг ярмидан кўпи иш билан таъминланди. Қолганлари ҳам ҳаётга кўникма ҳосил қиляптилар, уларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бюрократлик ёки сунъий тўсиқларга йўл қўйилмаяпти. Туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлимига «Агрегат заводи», «Компрессор» заводи, «Уй-жой қурилиш» ва бошқа ташкилотлар афв этилганлар учун бўш иш ўринларини таклиф этяпти.

Ҳамма кўриб, билиб турибди, Президентимиз Фармони билан эълон қилинган амнистия минглаб, аниқроғи, 57 минг нафардан зиёд маҳкумга нисбатан қўлланилди. 33 минг 752 нафар маҳкум жазодан муддатидан илгари озод этилди. 5047 нафар маҳкум бевосита жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилди. Уларнинг 923 нафарини диний экстремистик ташкилотлар таркибида Конституциявий тузумга қарши жиноятлар содир этганлар эканлигини ҳисобга олсак, нақадар бағрикенглик қилинганини англаймиз. Улар ўз хаталарини тан олиб, чин дилдан пушаймон бўлиб, тўғри, ҳалол яшаб, ўзларини кўрсатишга имкон берилишини сўраган маҳкумлардир.

Амнистия — бу меҳр-мурувват, бағрикенглиқдир. Унинг шарофатидан минглаб кишилар эркин ҳаётга қайтди. Энди ҳамма гап ана шу меҳр-мурувват масъулиятини, билдирилган ишончни ким қай даражада англашига боғлиқ.

Икром АҲМЕТОВ,
Саида САЙХУН

● МАҲСУЛОТ: ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

Сифат харидор чақиради

— Ҳар қандай катта ишлар ҳам дастлаб кичикроқ мўлжаллардан бошланади, — дея ҳикоя қилади бўзлик тадбиркор Хайрулла Худойқулов. — Бундан 6 йилча муқаддам кичикроқ, яъни озроқ сармоя билан хусусий қандолатчилик цехи ташкил этгандик. Ишлаб чиқариш ҳажмини аста-секин кўпайтириб, маҳсулот сифатини ошириб бордик. Натижаларимиз чакки эмас. Айниқса, ҳукуматимизнинг ўзимиз истеъмол қиладиган озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотларни ўз мамлакатимизда ишлаб чиқаришга бўлган даъвати бизга ҳам айни муддао бўлди. Тайёрланаётган маҳсулотларимиз ҳажмини ҳам, сифатини ҳам ошириш режаларини белгилаб олдик.

Тадбиркор бош бўлган мазкур жамоада ҳозир 11 киши меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини кенгайтириш, меҳнат шароитини яхшилаш борасидаги изланишлар иқтисодий кўрсаткичлар салмоғини оширишда муҳим омил бўлмоқда.Цехда ойига 5-6 тоннагача турли хил печенье маҳсулотлари тайёрланаяпти.

— Маҳсулот сифатли бўлса, харидор топилади, — сўзини якунлади тадбиркор. — Айтишади-ку, сифат хиридор чақиради, деб. Шу гап — ҳақ гап.

Ҳилола САЛОЕВА

✧✧✧

Суратда: *бўзлик қандолатчилар Хайрулло Шокиров ва Хайрулло Худойқулов.*
Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Наврўзга бағишлаб

☑ *ХДП ташкилотлари томонидан Наврўз айёмига бағишланган байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Жумладан,* ***Миробод туман партия кенгаши*** *«Тошкентунивермаги» акциядорлик жамияти ва «Ўзтемирйўлтаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси,* ***Андижон шаҳар партия кенгаши*** *Андижон ипак қурти уруғи заводи, Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинати бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказган байрам тадбирларида қатнашчилар учун дастурхон ёзилди.*

☑ ***Ҳамза ва Чилонзор туман партия кенгашлари*** *ўтказган байрам тадбирлари ҳам бир пиёла чой устида бўлди. Унда туман партия кенгаши биринчи котиблари Ш.Файзиев ҳамда А.Каримбердиевлар байрам иштирокчиларини табрикладилар. Чилонзор туманида ўтган тадбирда қатнашган Тошкент шаҳар партия кенгаши котиби В.Медведев партия фаолларига фахрий ёрлиқлар топширди. Қатнашчилар «Наврўз» гуруҳининг чиқишларидан бахраманд бўлдилар.*

☑ *Шунингдек, Наврўз тадбирлари* ***Наманган, Андижон вилоят ҳамда Бухоро, Сирдарё туман партия ташкилотлари*** *томонидан ҳам ўтказилиб, эҳтиёжманд болаларга, кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват кўрсатилди.*

Партия ташкилотлари фаолиятидан

☑ *Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи аъзоси М.Янгиев* ***Қоракўл туманидаги*** *«Тинчлик» маҳаллада ўз сайловчилари билан учрашди. Унда аҳолининг ижтимоий масалаларига оид саволлар билан бирга, икки палатали парламент тизимига ўтиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби масалалар ҳам муҳокама этилди. Шунингдек, тадбирда ХДП туман партия кенгаши етакчиси Ф.Бебутов ХДП МК V пленуми ҳужжатлари тўғрисида сўзлаб берди.*

☑ ***Уйчи тумани*** *«Машина-трактор парки» очиқ акциядорлик жамияти,* ***Избоскан тумани*** *Н.Жўраев номли ширкат хўжалиги партия ташкилотлари ҳамда* ***Чиноз туман партия кенгаши*** *томонидан ўтказилган йиғилишларда партия МК V пленуми қабул қилган ҳужжатларни партия аъзолари ўртасида тушунтириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.*

☑ ***Наманган шаҳар партия кенгаши*** *қошидаги «Сиёсат» мунозара клубининг навбатдаги машғулотида сиёсий маданиятни юксалтириш масаласи муҳокама қилинди.*

☑ ***Андижон шаҳар партия кенгаши*** *аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва партия нуфузини оширишда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда ўтган йилги фаолият танқидий нуқтаи назар билан кўриб чиқилиб, жорий йил учун режалар белгилаб олинди.*

☑ ***Бўз туман партия кенгаши*** *қошидаги «Истиқбол» ёшлар клубида эса «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзуидаги тадбир бўлиб ўтди. Унда партия кенгаши биринчи котиби А.Мадаминов қатнашиб, ёшларни бу иллатдан асраш зарурлиги ва бунга эришишнинг йўллари ҳақида гапирди.*

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ХОРАЗМЧА ТЎЙ —

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Арафа

Ўғил вояга етди. Мактабни тугатгач, ҳарбийга боради ёки ўқишга ҳаракат бўлади. Бундан қатъи назар, ота-она зиммасидаги масъулиятли иш — уни уйлантирмоқ керак. Ҳақиқий ташвиш, югуриб-елиш энди бошланади, яъни пайтавага қурт тушади.

Аввало, сандиқда бирор миллион сўм бўлмаса бировнинг эшигига совчиликка бориб бўлмайди. Авваллари ёшлар унаштирилгандан сўнг тўй ҳозирлиги бир, бир ярим йил давом этарди. Эндиликда муддат кўпи билан бир ойнинг нари-берисида. Яъни «элчи»лар қиз томоннинг розилигини олгач, ўртага шундай шарт қўйилади: «Қизимни кийинтиринг, қалин пулини беринг, тўй сизники!»

Келинни кийинтириш ҳозирги шароитда миллион сўмга яқинлашади. Энг сўнгги «мода»даги беш-ўн кийимлик. Камида «лама» пальто, қимматбаҳо плаш, бир неча хилдаги ёзлик-қишлик жемпер, этик-туфли, узук-сирға. Яна айрим жойларда келин учун бўйинга тақиладиган «трос» дегани ҳам урф бўлган. Бу «арзимасгина» матоҳнинг мундайроғи нақ икки юз минг сўм туради.

Келин томонида инсоф бўлиб арзонроқ матоларни танлаганида ҳам чиқим олти юз-етти юз мингдан кам бўлмайди. Бундан ташқари камида юз минг сўмлик турли майда-чуйдаларни айтмайсизми?

Келин кийинтириб бўлингач, «элчи»лар янги шартларни кўтариб келишади: «Келиннинг онасига, отасига, бувасига, момосига, амма-холаларига фалон-фалон турдаги кийим-кечаклар буюришди...»

— ?!!

Яна бозорга тушилади. Харид учун эмас. Боқиб қўйган молқўйини сотиш учун. Бу ташвишлар ҳам бирёқли бўлгач, «кийинишма» деган одат забт қилинади. Энди қалин пулини тўлаш қолди. Воҳада қалин пули турли жойларда сал-пал фарқи билан ўртача икки юз элликдан уч юз минг сўмгача. (Бундан баланд бўлиши ҳам мумкин.)

Ниҳоят, тўй куни белгиланади. Бир кун олдин ўтказиладиган «фотиҳа тўйи»да қуёв томон бир машина юк билан келин томонга «тўйлик» олиб боради. Бир қўчқор, бир яшик ичимлик, бир қоп ун, бир қоп гуруч, қирқ-эллик килоча гўшт, сабзи, мева-чева... Аёллар тоғора-тоғора пишириқлар ортиб олишади. Бу харажатлар ҳам камида юз эллик-икки юз минг сўмни ташкил қилади.

Тўйми... ўйми?

Тўй деганимиз аслида бир кунлик тадбир. Одатда бу кун ҳақида «тўй томошасида барча ташвишларинг эсдан чиқиб кетади» деб таскинли гап айтилади. Тўйчининг кўнглини кўтариш учун ўйлаб топилган ибора.

Камида юз эллик-икки юз кило тош босадиган хўкиз сўйилган. Тўй-томоша учун юз эллик кило ош дамланади. Даврага беш-ўн яшик ичимлик тортилади. Камида икки-уч қоп ундан нон-патир ёпилган. Қанд-қурс, турли пишириқлар, мева-чева дегандай. Шу тўй неъматларининг харжи ҳам камида ярим миллион сўм атрофида бўлади.

Тўй давраси. Ёшлар рақсга тушишмоқда, хонанда қўшиқнинг энг шўҳидан олади. Ҳамма хурсанд, кайфи ошганларнинг қичқириқларини айтмаганда, узоқ елиб-югуришлар ниҳоясига етиб, орзу-ҳавасли тўйнинг шавқи барча юракларни забт этгандай...

Хархашали харажатлар

Боғотлик тоғаваччамиз Жумавой шофёр тўй қилди. Қутлагани бордик. «Тўй қутиси»га бирор минг сўм ташлаган бўлдик. «Тоға, тўй ҳоритмадими?» деб кўнгил олган бўлдик.

— Жиян, тўй яхши нарса! — салмоқдор гап бошлади тоғамиз. — Бир кунда ўтади-кетади. Хорди-ғинг чиқади. Худо олдидаги фарзингни адо этиб, қарзингдан қутуласан... Аммо элнинг тўй-маъракаларига аралашиб юрсакда, сўнгги пайтда кераксиз одатлар кўпайиб кетган экан. Турган-битгани чиқим. Ҳисоблаб кўрдим — мана шу тўй куни мен ғурлаша-чуғурлаша «сотишди», шундай одат бор экан. Никоҳдан ўтишлари учун майда-чуйда жўнатдим, пули билан. Никоҳ ўқигани учун муллани рози қилиш. Келин саломда гилам совға қилиш. Бу ёқда видеотасвирчи, «светомузика»ни ўрнатганга, чироқ ёқиб берганга, даврабошига, ҳофизларга, раққосани келтирган киракашга, қўшиқчиларнинг фонограмма деган матоҳи бўларкан — унгаям. Пешинда бир эмас иккита «чаманчи» (масхарабоз) келди. Уларни ҳам қуруқ қайтариб бўлмайди.

Қара, қанча чиқим? Балки санаётиб битта-яримта шунга ўхшаган «янгича одатлар»ни ёдимдан чиқаргандирман...

нечта одамга хизмат ҳақи беришим керак. Ўзинг сана: икки кун хизмат қилгани учун ошпазга, ҳўкизни сўйган қассобга, келин томонга тўй харажатлари, кексаларни олиб борган машина ҳайдовчисига, яна куёв учун айтилган машина эгасига... Келин-куёвлар марказдаги паркни айланиб келишлари учун учта улов ёлладим. Келинни келтирган машина эгасига берган пулимни кам кўрди. Эмишки, кўпчилик қўзи ёки унинг пулини берармиш. Келин машинасида турган қўғирчоқни келин дугоналари чу-

● ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

Даромад манбаи

ЁКИ ОЧИҚ ВА ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ФАРҚИ, ТАРТИБЛАРИ ҲАҚИДА

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш давр талаби. Бу борада давлат корхоналарини очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантиришнинг аҳамияти катта. Бу жараённи жадаллаштириш учун етарли имкон берадиган норматив-ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, республикамизда Давлат хусусийлаштириш дастури тасдиқланган бўлиб, унда қонуний ёндашувлар аниқлаштирилган, мақсадлар, устуворликлар белгиланган, тармоқ ва худудлар бўйича хусусийлаштиришга доир топшириқлар берилган. Давлат мулки — корхоналарни акциялаштириш билан қисқа муддатда ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилаш, акциядорлар даромадларининг кўпайтириш ҳамда мулкдорлик ҳиссини шакллантиришга йўл очади.

Аммо, баъзи бир корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда маъмурий-бошқарув ходимлари орасида сақланиб қолган маъмурий-буйруқбозлик, боқимандалик кайфияти муассасалар ва ташкилотларни акциялаштириш муддатлари чўзилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бундай салбий ҳолатлар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, ушбу жараёнларни жадаллаштиришга хос ишларни таъминлаш жараёнида айрим раҳбарларнинг тўғраларча муносабатларида ўз ифодасини топмоқда.

Корхоналарни акциялаштириш жараёнини давр талабларига мос равишда ривожлантириш учун биринчидан, таъсис ҳужжатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, сунъий тўсиқларни бартараф қилиб, акциядорлик жамиятларини белгиланган муддатларда шакллантириш зарурлиги талаб этилади. Иккинчидан, корхоналарни акциялаштиришнинг шу кун талаблари даражасида ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш муҳим.

Давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш ҳам зарурат. Бунда акциядорликка айлантирилаётган корхоналарга жалб этилаётган Ўзбекистон ва хорижий сармоядорлар манфаатдорлигини ошириш, техник жиҳатдан қайта жиҳозланган макон ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг аҳамияти катта.

Акциядорликка айлантирилаётган корхоналарнинг акция пакетлари амалдаги қонунчиликка асосан белгиланган улушлари бўйича жойлаштирилади. Бунда меҳнат жамоаси акциялари акциядорликка айлантирилаётган корхона тасарруфига берилади, жамоа аъзолари ўртасида тарқатилади ҳамда улардан кўзлаган тартибда фойдаланилади. Давлатга тегишли бўлган акциялар эса давлат мулкини бошқариш ваколатига эга бўлган орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ихтиёрида қолади.

Эркин сотув ҳамда хорижий сармоядорларга сотишга мўлжалланган акцияларнинг пакетлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда акциядорликка айлантирилаётган корхоналар томонидан жойлаштирилади ва тарқатилади.

Акциядорлик жамиятларига айлантирилаётган корхоналарнинг эркин сотув ва хорижий сармоядорларга мўлжалланган акцияларини сотишдан тушган маблағлари махсус ссуда ҳисобларида жамланади.

Давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёнида пайдо бўлган акциялар янги эгаларига белгиланган тартибда сотилгунга қадар биринчи марта жойлаштирилган давлат мулки бўлиб ҳисобланади. Акциядорлик жамиятлари томонидан дивидендларни ўтказиш, уларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдаги ҳолатига кўра, низом жамғармасининг бошланғич ҳажмига мувофиқ тарзда, мавжуд акцияларнинг давлатга тегишли, лекин сотилмай қолган қисми ҳам ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти — мулкчилик кўринишларидан бири бўлиб, турли корхона, ташкилот, банк, компания (юридик шахслар) ва фуқаролар (жисмоний шахслар) пул маблағларини шерикчилик асосида ва фойда олиш мақсадида бирлаштирган хўжалик юритиш уюшмасидир. Акциядорлик бозор иқтисодиётининг кенгайиши ва чуқурлашувида, мамлакат ривожланишида ижобий омил бўлиб хизмат қилади. Акциядорлик жамияти билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Рспубликасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа хужжатлари асосида тартибга солинади. Акцияларни муомалага чиқариш, сотиш акциядорлик жамиятининг молиявий негизини ташкил қилади.

Акциядорлик жамияти очиқ ёки ёпиқ турда бўлиши мумкин. Очиқ турдаги акциядорлик жамиятида унинг акциялари савдога очиқ равишда чиқарилади ва эркин муомалада бўлади. Жамиятга кирувчилар сони эса чекланмайди. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятида унинг акциялари фақат жамият таъсисчилари ўртасида тарқатилади, таъсисчиларнинг сони камида уч шахсдан иборат ва ҳар бир муассис айни вақтда акциядор ҳам бўлиши лозим.

Акциядорлик жамияти янгидан таъсис этилиши ёки мавжуд юридик шахсни қайта ташкил этиш йўли билан тузилиши мумкин. Акциядорлик жамиятини таъсис йўли билан тузиш муассисларнинг қарорига мувофиқ амалга оширилади. Акциядорлик жамиятини таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Акциядорлик жамияти бир шахс томонидан таъсис этилган тақдирда қарорни шу шахснинг ўзи қабул қилади. Акциядорлик жамиятининг дастур жамғармаси (устав фонди) белгилаб қўйилади. Жамғарма миқдори очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари учун энг кам иш ҳақининг икки юз баробари ҳажмида, ёпиқ турдаги жамиятлар учун эса юз баробаридан кам бўлмаган ҳажмида белгиланади. Акциялар эгаси ёзилган ва ёзилмаган — имтиёзли ва оддий акцияларга бўлинади. Акцияларнинг номинал қиймати юз сўмдан кам бўлиши мумкин эмас.

Дастлабки акциядорлик жамиятлари Англияда XVII асрнинг бошида тузилган ва бозор иқтисоди муносабатларининг ривожланишида ижобий роль ўйнаган. Ўзбекистонда ҳам акциядорлик жамиятлари республикамизнинг ривожланган режаси — бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида давлат мулкини хусусийлаштириш, мулкдорлар сафини кенгайтириш ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини капиталга айлантириш, пировардида, уларни иқтисодга жалб этиш орқали аҳоли даромадларини оширишда самарали усуллардан бири бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Эргаш САЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси

Келишиб олдилар

Anatolia агентлигининг хабар беришича, агар лозим топилса турк қўшинлари Ироқ шимолига киритилиши тўғрисида АҚШ ва Туркия томони аввалдан келишиб олдилар. АҚШ маъмуриятининг Ироқ масалалари бўйича маслаҳатчиси Залма Халилзода Туркия раҳбарияти билан бу борада музокаралар олиб борди.

Дарвоқе, Ироқдаги жанговар ҳаракатлар учун Туркия ҳарбий ҳаво базаларидан фойдаланиш ҳақида расмий Вашингтон ҳозирча мурожаат этмади.

Нархи ошди

«Новости» агентлигининг хабар беришича, Ироқдаги вазият оқибатида Тожикистонда бензин 10-15 фоизга қимматлашди. Бу ҳақда республика иқтисодиёт ва савдо вазири ўринбосари Исроил Маҳмудов маълум қилди.

Текширув ўтказилмоқда

Эн-Эн-Ай агентлиги ахборотига кўра, Афғонистоннинг жануби-шарқида, яъни Покистон чегараси яқинида АҚШнинг «Қақшатқич зарба» дея номланган янги кенг қамровли операцияси давом этмоқда. Унда Американинг 82-ҳаво десанти дивизиясининг мингдан ортиқ аскари ва Афғонистон қўшинларидан 3 мингга яқин ҳарбий қатнашяпти. Бундан ташқари 50 та бронетранспортёр ва авиация ҳам жалб этилган. Улар Самигар тоғларидаги ҳар бир ғор ва ўнгирларни, тоққа яқин қишлоқларни жангарилардан тозалаш учун текшириб чиқишмоқда.

Ҳозирча 12 нафар шубҳали шахс қамоққа олинган.

Кимки қочса...

Ироқнинг ҳукмрон «Баас» партияси яқинда Ироқ аҳолиси орасида кузатилиши мумкин бўлган ҳолат — қочоқликка қарши қарор қабул қилди, дея хабар беради Эроннинг IRNA агентлиги. Қарорда баён этилишича, эндиликда кимки ўз уйини, Ватанини ташлаб, ўзга юртларга қочса, унинг уйи давлат фойдасига мусодара қилинади ва уй эгасининг уруш тугагач яна ватанига қайтишига рухсат этилмайди.

Шунинг учун Ироқ маъмурияти мамлакат аҳолисини барча шаҳарларда қурилган бункерлардан фойдаланишга чақирмоқда.

Молиявий таъминот учун

Assicoated Press агентлиги берган ахборотда айтилишича, АҚШ Президенти Жорж Буш Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар ва терроризмга қарши курашни кучайтириш учун 74,7 миллиард доллар ажратилишини сўраб, мамлакат Конгрессига сўровнома жўнатмоқчи. Бу сумманинг 62,6 миллиарди АҚШ Мудофаа вазирлигига ажратилиши кўзда тутилган. У Ироқда олиб борилаётган ҳарбий кампания ҳаракатлари, жумладан, қўшинларни Форс кўрфазига ташиш, ҳарбий операция, урушдан сўнг Ироқдаги вазиятни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш, АҚШ ҳарбий қўшинларининг катта қисмини яна мамлакатга қайтариш учун сарфланади.

4,2 миллиарди АҚШни терроризмдан ҳимоя қилиш ишларига, 7,8 миллиарди эса ҳарбий ҳаракатлар даврида жабр кўрган АҚШ иттифоқчилари (Исроил, Афғонистон, Иордания ва Миср) учун инсонпарварлик ёрдами сифатида ажратилиши мўлжалланган.

Ироқни урушдан сўнг қайта тиклаш учун ажратилиши кўзда тутилган 2,45 миллиард доллар конгрессменлар фикрича камлик қилиши мумкин. Бироқ бу ўринда коалиция кучлари таркибига кирган бошқа мамлакатларнинг Ироқни тиклаш ишларига кўрсатадиган ёрдамини ҳам назарда тутиш лозим, дейилади агентлик ахборотида.

Умм-Қаср коалиция назоратида

Ироқ қўшинларининг қаттиқ қаршилигига қарамай, бир неча кун давом этган жанглардан сўнг порт шаҳри бўлмиш Умм-Қаср ниҳоят АҚШ ва Буюк Британия қўшинлари назоратига ўтди. Антиироқ коалицияси қўмондонлиги баёнотига кўра, ҳозир шаҳар очиқ ва хавфсиздир, дейилади Sku News телеканали хабарида. Яқин кунларда Умм-Қаср аҳолиси учун инсонпарварлик ёрдами етказилади.

Будапешт кўчаларида

Парранда гўшти тақиқланиши мумкин

Россия Бельгиядан келадиган парранда гўштлари импортини тақиқлаши мумкин, агар у жўнатган сўровномага Бельгиядан тасдиқ жавоби келса. Яъни Россия Бельгияга мамлакатда парранда гриппи қайд этилганми-йўқми, деган савол билан мурожаат этди.

Айнан шу сабаб билан Нидерландиядан парранда гўшти сотиб олиш яқинда тақиқланди.

Россия Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ветеринария департаменти раҳбари Евгений Непоклонов маълумотларига асосланиб «Интерфакс» агентлиги бу ҳақда хабар тарқатди.

Уйларидан мосуво бўладилар, агар...

Россия давлат думаси «Федерал турар-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар киритиб, муниципал идораларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтирди. Жумладан, эндиликда кимки уй ва коммунал хизматлар учун 6 ойдан ортиқ вақт ҳақ тўламаган бўлса, яшаётган уйидан айрилиб қолиши аниқ. Негаки, муниципал идоралар уни судга бериб, уйини олиб қўйиши, ўрнига ётоқхона бериши мумкин. Бу ўзгартиришлар киритилган янги қонунда белгилаб қўйилди. Бунинг учун 248 депутат овоз берди, 101 нафари эса қарши чиқди, бироқ...

Бу ҳақда Интернетнинг «Газета.RU» сайти хабар тарқатди.

Чегаралар очилади

Маълумки, шу йил январь охирида Камбоджа пойтахти Пномпенда таиландликларга қарши тартибсизликлар юз берган ва уларнинг шаҳардаги офислари ағдар-тўнтар қилинган эди. Натижада Таиланд ва Камбоджа ўртасига совуқчилик оралаб, дипломатик алоқалар узилган ва бу ҳам етмагандек, чегаралар ёпиб қўйилган эди.

Ниҳоят икки ойлик танаффусдан сўнг муносабатлар бироз илимоқда.

Камбоджа ҳукумати Таиланд кўрган зарарни (тахминан 50 миллион АҚШ долларига тенг) қоплашни расмий эълон қилгач, музокаралар янада жонланди.

Таиланд ташқи ишлар вазири Суракиарт Сатиратай ва Камбоджа ташқи ишлар вазири Сок Ан олиб борган ўзаро музокараларда чегараларни очишга келишиб олдилар. Энди икки томонлама савдо-сотиқ кенг йўлга қўйилишига умид билдирилмоқда, дейилади «Новости» хабарида.

«O'ZRANGMETLOYIHA» OAЖ

Акциядорларнинг 2002 йил якунлари бўйича умумий йиллик йиғилиши 2003 йил 28 апрель, соат 12.00 да ўтказилишини маълум қилади.

Манзилгоҳ: 700000, Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 59.

Кун тартиби:

1. 2002 йил иш фаолияти ҳақида ҳисобот ва 2003 йил учун режани тасдиқлаш.

2. Аудитор текшируви натижаларини тасдиқлаш.

3. Директорни 2003 йилга тасдиқлаш.

4. Кузатув кенгашини сайлаш.

2002 йил ҳисоботи:		минг сўм
1. Устав капитали	—	*160040*
2. Асосий воситалар	—	*79755*
3. Маҳсулот сотишдан тушган тушум	—	*66520*
4. Соф фойда (даромад)	—	*2343.*

Ушбу баланс ООО «Мухисибу-Нур» аудитор фирмаси орқали тасдиқланган.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Оқтошдан» OAЖ акциядорлари диққатига!

«Оқтошдон» OAЖ 2002 йилдаги молия-хўжалик фаолияти бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказади

Жамият номи: «Оқтошдон» очиқ акциядорлик жамияти.

Йиғилиш ўтказиладиган сана: 2003 йил 11 апрель соат 10.00.

Умумий йиғилиш ўтказиладиган жой: Самарқанд вилояти, Оқтош шаҳри, Ж.Мирзаев кўчаси, 2-уй. Индекс: 704100

«Оқтошдон» акциядорлик жамияти мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатга олиш: соат 8.00 дан бошланади.

Акциядорлар реестри ёпиладиган сана: 2003 йил 12 март.

Кун тартиби:

1. Жамиятнинг 2002 йилдаги молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича бошқарув раисининг ҳисоботи.

2. Кузатув Кенгашининг ҳисоботи.

3. Жамиятнинг 2002 йил якуни юзасидан тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудитор хулосасини тасдиқлаш.

4. 2002 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш ва дивиденд миқдорини тасдиқлаш.

6. Бошқарув раиси билан 2003 йилга тузилган шартномаси тўғрисида.

7. Жамият ижроия органи томонидан тақдим қилинган 2003 йил Бизнес-режасини тасдиқлаш.

8. Кузатув Кенгаши таркибини қайта сайлаш.

9. Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.

10. Жамият Низоми ва ички меъёрий ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январда ПФ-3202 сонли Фармонига асосан ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

11. Бошқа масалалар.

Ҳисоб-китоб баланси.

	Кўрсаткичлар номи	Актив	Пассив
1.	Узоқ муддатли активлар	525430,0	
2.	Айланма активлар	6853565,0	
	ЖАМИ активлар:	7378995,0	
3.	Ўз маблағи манбаалари		633053,0
	Жумладан, Низом фонди		108813,0
4.	Мажбуриятлар		7455942,0
	ЖАМИ пассивлар:		**7378995,0**

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР:

Т/б	Кўрсаткичлар номи	Суммаси
1.	Маҳсулот сотишдаги тушум	6598735,0
2.	Асосий ишлаб чиқаришнинг молиявий натижаси	204854,0
3.	Умум хўжалик молиявий натижаси	159052,0
4.	Йиллик соф фойда	60987,0

Молия-хўжалик фаолияти натижаси «Дунё-Аудит» фирмаси аудитори томонидан кўриб чиқилган.
«Оқтошдон» очиқ акциядорлик жамияти, индекс 704100, тел: 2-15-53, факс: 31-09-88.
Реестр сақловчи ДП «Прогноз-Плюс», манзили:
Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 38-уй. тел: 132-01-99

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Кимга томоша, кимга... ўй

Бу нима ўзи? Биз уйланганда келинни машинада келтиришган. Келин саломи, сузилишма — тамом. Ҳозирги бу чиқимларнинг ўзига бир тўй қилса бўлади.

— Тўқлар чиқарган-да буларни, — кўнглини кўтарган бўлдим.

— Бунақа кераксиз одатлар болалаб кетаверса, манаман деган тўқинг ҳам йўқ бўладику! —дейди тоға алам билан.

Бу бир элатда сўнгги пайтларда урфга кирган янгиликлар. Бошқа туман ва қишлоқларда ҳам шунга ўхшаш кераксиз, ҳатто бачкана одатлар русм бўлгани бор гап. Сабаби нима? Дабдабага ўчликми, ёки маънавиятнинг кемтиклигими?

Хайрон қоласан киши. Юқорида саналган сарф-харажатлар қарзга ботган тўй эгаси учун ўлганнинг устига чиқиб тепгандек ҳолат. Баъзида қирқига чидаган тўйбон қирқ биринчисига келганда дод деб юбориши ҳеч гапмас. Биз ҳали ҳам қирқта дедик. Тўй ташвишларининг саноғи бирор юздан ошар-ов.

Ҳолвадан кейинги ғавғоси

... Тўй ўтди. Қозонлар тўнкарилди. Эл тарқади. Тўй эгалари тонггача мижжа қоқмадилар ҳисоби. Кўпроқ ичиб қўйган меҳмонлар уйига кузатиб қўйишлади. Ёшлар кўча-куйда уруштўполон қилишмадими, бировга озор беришмадими?.. Бу ҳадик эртаси ҳам тўй эгасини хавотирга солади. Ногаҳонда тегишли жойга чақириб «Кеча сизнинг тўйингизда арақ ичган кимса безорилик қилиб, фалончининг бошини ёрибди. Арақни камроқ бериш, тартиб сақлаш керак эди», деб дағдаға қилишларидан худо сақласин.

Ҳаммаси тинч-осуда ўтди дейлик. Бироқ бемалол оёқ узатиб, дам олишга йўл бўлсин. Ҳали бир қанча «келди-кетди» бор. «Супрақоқди» дегани бу.

Хоразмда тўй куни куёвга келин томон келтирган костюмшимни куёв жўралари «мусодара» қилиш одати бор. Улар «мусодара» қилинган мулкни қайтариб келишади — «костюм базми» берилади, яъни зиёфат. Қуда томон қуда чақириққа айтилади. Тағин дастурхон ёзилади. Қуда чақириққа келин томон камида ўн-ўн беш одам бўлиб келади. Эркакларга кўйлак, аёлларга бир сидра кийимлик берилади.

Келин томон ҳам қараб турмайди. Куёв жўраларини чорлайди, қудалар саф тортиб борадилар. Бу тадбирларнинг ўзи ҳам салкам бир тўйга монанд. Ишқилиб, йўғон чўзилади, ингичка узилади.

Ибтидоси ва интиҳоси

Юқорида Хоразмдаги ўртача бир келин тўйининг қисқача тафсилотларини келтиришга уриндик. Агарда икки томон ҳам инсоф борасида мукаммал одамлар бўлган тақдирда ҳам бир тўйнинг харжи икки миллион сўмдан кам бўлмайди. Бу — айтишга осон. Тўғри, пулининг саноғини билмайдиганлар, бели оғримай пул топаётган «учар»лар бор. Уларга ташвиш йўқ. Яна керилиб ҳам қўйишади: «Фалончи ҳофизни келтирдим. Армоним ушалди, ҳақига фалон доллар бердим!» Кимўзарга тўй қилиб, бойликни кўз-кўз қилиб, янги «аньана»лар ўйлаб топгандан кўра, етимнинг бошини силаш, Ватанни обод қилиш ишларига ҳисса қўшиш афзал эмасмикин? Дунёвий фикр юритишни қачон ўрганамиз? Ёки оддий бир мантиқни англашга ҳаракат қилайлик: Тўй нима учун ўтказилади? Икки ёшнинг бошини қўшиш, бахтли қилиш учун, албатта. Унда нега топганимизни уларнинг ўзига, оиласига бермаймиз. Қолаверса, мингта ортиқча, кераксиз тадбирларни ўтказиб қарзга ботиб, азоб чекиш кимга керак?

Мактабни тугатгандан буён синфдошлар улфатчилик қиламиз. Ойда бир бўладиган ўртамиёна ўтириш. Уч-тўрт йил олдин бир улфатимиз зиёфатдан чиқадиган бўлди. Сабаби, кун сайин улғаётган ўғилларини уйлантириш ташвиши. Демак, энди унинг учун ягона ўй бўлғуси тўйга ҳозирлик кўриш. Бу жараён тўйгача муттасил давом қилган бўлса, тўйдан сўнг ҳам тарихга айланмайди. Аксари тўй эгаси қарз кўтаради. Ундан қутулиш керак. Яна ўша аҳвол — бола-чақанинг ризқидан қийилади. Булар оилада бир ўғил тўйи ташвиши. Агарда кетма-кет уч-тўрттаси бўй тортиб келаётган бўлса, ўртаҳол оила бошлиғига тан беринг. Сабр-бардош тиланг!

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН: Тўйлар ҳақида кўп гапирилаяпти. Бугун эмас, олдинлари ҳам тўйларни тартибга солиш, чиқимларни камайтириш борасида озми-кўпми саъй-ҳаракатлар қилинган. Жойларда тўй комиссиялари тузилди, тўйни камхаржли, тартибли ўтказиш ҳақида тавсияномалар ишлаб чиқилди, масъуллар бу ҳақда қанчалаб чиқишлар қилишди. Аммо тўйлар тартибга тушдими? Ундай бўлса, йилдан-йилга керакли-кераксиз одатлар қаёқдан пайдо бўлмоқда? Кимўзарга тўй қилиш қачон барҳам топади?

Тўғри, маҳаллий ҳокимликлар, фуқаролар йиғинлари тўйларни тиртибга солиш, сарф-харажатларни камайтириш борасида маълум ишларни қилишяпти. Аммо натижа...

Ҳеч бўлмаганда никоҳ тўйларини ўтказиш вақтини қатъий белгилаш ҳам тартибга солинмаяпти. Жойларда қалин пули бошқа ортиқча даҳмазалар ҳануз сақланиб келмоқда.

Шу боисдан «хоразмча тўй кўпчиликка томоша, кўпчилика ўй бўлиб қолаётганлиги» ҳақида мухбиримиз куйиб-ёниб ёзмоқда. Азиз ўқувчи, бу борада сизнинг фикрингиз қандай?

● БОЛАЛАР СПОРТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

МАЪЛУМОТ УЧУН: *Ҳозир мамлакатимиздаги 285 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида футбол бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, республикамизда 14 та вилоят ва олтита туман махсус футбол мактаб-интернатлари, олтита ихтисослашган олимпия заҳиралари футбол мактаби, битта футбол бўйича спорт маҳоратини ошириш олий мактаби мавжуд. Уларда 1642 мураббий етмиш бир минг нафарга яқин ёш футболчига чарм тўп сирларини ўргатиб келмоқда. Бундан ташқари, мавжуд бешта олимпия заҳиралари коллежининг тўртта-сида профессионал футболчилар тарбияланяпти.*

ФУТБОЛИМИЗ эртага қандай бўлади?

БОЛАЛАР ФУТБОЛИ ЮТУҚЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Исоқ ТОШМУҲАМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, Тошкент шаҳридаги Республика Олимпия заҳиралари коллежи мураббийи:

— Ҳозир мамлакатимизда спортга, жумладан, футболга муносабат бутунлай бошқача. Илгари ота-оналар фарзандларининг тўп тепишларига қаршилик қилишарди. «Болам футбол ўйнаса, бирор жойи синади, майиб бўлиб қолади. Мактабни битириб бирор касбни эгаллай олмайди», дегувчилар жуда кўп эди. Эндиликда эса ота-оналар «Ўғлимни бир синаб кўринг. Ундан зўр футболчи чиқади», деб фарзандларини ўзлари етаклаб, олиб боришмоқда.

Шундай кезларда бундан ўттиз-қирқ йиллар олдин мураббийликни энди бошлаган дамларимни эслайман. Илгари футболчилар ва жамоаларга ким ёрдам берарди? Масалан, 50-60 йилларни бир кўз олдимизга келтирайлик. Ўша вақтларда Тошкентдек азим шаҳарда болалар футбол ўйнайдиган «Спартак», «Локомотив» каби бир-иккита стадион бор эди, холос. Фақат футболни севадиган бир неча кишиларни ҳисобга олмаганда, жамоаларга, болаларга на тўп ва на бошқа спорт анжомлари олиб беришни ҳеч ким ўйламасди. Мураббийлар ҳам стадионмастадион, кўчама-кўча сарсон бўлиб, тўп тепиб юрган болаларни танлаб ўз жамоаларига қўшишарди. Ҳозир даврамизда ўтирган футбол фахрийси Акмал Азизхўжаев ҳам шу зайлда катта футболга кириб келган.

Ҳукуматимизнинг спортни, жумладан, футболни ривожлантириш йўлида амалга ошираётган бугунги ғамхўрликларини кўриб завқим келади. Мана, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини олайлик. Бунақа эътибор қачон бўлган, ким айта олади? Ўнлаб спорт мактаблари, Республика Олимпия заҳиралари коллежи ишлаб турибди.

Аммо, ҳамма спорт, футбол мактаблари ҳақида илиқ гапларни айтиш қийин. Биттасида малакали мураббий етишмаса, иккинчисида шарт-шароит талабга жавоб бермайди. Мана, бир мисол. Акмал Икромов туманидаги «Бешқайрағоч» маҳалласида жойлашган кўп профилли шаҳар шифохонасининг шундоқ биқинида бир стадион бор. Унда ҳам ўрта умумтаълим мактаби ўқувчилари, ҳам Вали Шамсимуҳамедов раҳбарлик қилаётган футбол мактаби тарбияланувчилари шуғулланишади. Мени бир нарса ҳайрон қолдиради. Бу стадиондаги аҳвол ўн йиллар олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Чимлари яхши эмас, атрофи ободонлаштирилмаган. Тўп етишмайди. Улар билан шуғулланадиган малакали мураббий йўқ. Мураббийларни нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам рағбатлантириш тўғрисида ўйлаб кўриш зарур, деб ўйлайман. Мисол учун бирор жамоа халқаро турнирда ғолиб чиқса ёки мамлакат чемпионатида совриндор бўлса, унинг мураббийлари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» деган шарафли унвонга сазовор бўлади. Аммо, ўша кучли жамоага иқтидорли футболчини тарбиялаб берган болалар мураббийлари ҳа деганда ёдга тушавермайди. Агар улар меҳнати ўз вақтида қадрланиб борилса, ишончим комил унча-мунча мураббий болалар спортидан кетмайди.

Акмал АЗИЗХЎЖАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, пойтахтимиздаги футбол бўйича спорт маҳоратини ошириш олий мактаби мураббийи:

— Умрим футбол билан ўтмоқда. Агар бугунги футбол билан илгариги футболни солиштирсак, жуда катта фарқ бор. Биз ўйнаган вақтда футболчи ёки мураббийларнинг аҳволи ҳеч кимни қизиқтирмасди.

Мустақиллик шарофати билан Президентимиз ва ҳукуматимиз мамлакатимизда футболни ривожлантириш мақсадида учта муҳим қарор чиқарди. Шунга кўра, жойларда футбол мактаб-интернатлари очилди. Буларнинг барчаси яхши, албатта. Афсуски, ҳамма жойда ҳам ишлар маромига етказилмади. Айрим футбол мактаб-интернатларида стадион йўқ. Баъзилари ўз ётоқхонаси, ошхонасига эга эмас. Бир футбол мактабида спорт анжомлари етишмаса, иккинчисида малакали мураббий йўқ. Энг муҳими, бундан олти-етти йил муқаддам очилган махсус футбол мактабларининг аксарият битирувчилари бирорта жамоадан ўз ўрнини тополгани йўқ. Бу албатта, футболимизнинг эртасини ўйлаган мутахассисларни ташвишлантиради. Яқинда «Ўзбекистон футболи» газетасида ўқиб қолдим. Сурхондарё вилоятидаги махсус футбол мактаб-интернатларида сантехник, слесарь, машинист, монтёр ва бошқа касб эгалари болаларга мураббийлик қилаётган экан. Журналист бу ҳолатни танқид қилган. Менимча, бугун болаларга футбол сирларини ўргатаётган ўша сантехник ёки машинистни қоралашга ҳаққимиз йўқ. Чунки улар футбол деса, ўзларини томдан ташлашга ҳам тайёр, улар арзимаган моянага ҳам болалар футбол мактабларида ишлашга шай. Бугунги машҳур футболчимиз Миржалол Қосимовнинг биринчи мураббийи Госпадарчук ҳам «Чиғатой» футбол мактабига ишга келган маҳалида оддий сантехник эди. Лекин у футболни, болаларни севди. Ўзбек футболи учун Миржалол Қосимов, Шуҳрат Мақсудовдек ёрқин истеъдодларни тарбиялаб берди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, деган юксак унвонга сазовор бўлди. Тўғри, футбол мураббийи олий маълумотли диплом эгаси бўлиши мумкин. Лекин унда сабр-тоқат, болаларга меҳр етишмаса-чи?! Шу боис, бугун болалар билан ишлашга астойдил бел боғлаганларга эътибор берайлик. Керак бўлса, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида улар учун малака ошириш курсларини ташкил этайлик.

Бугун футбол мактабларида ишлаётган мутахассисларнинг айримлари маоши камлигидан нолиб қолишади. Аммо улардан қанча иқтидорли футболчи тарбияладинг, шогирдларингдан нечтаси олий ёки биринчи лига жамоаларида тўп сураяпти, деб сўрасангиз ер чизиб қолишади. Демак, мураббийларга баҳони уларнинг футбол мактабида неча йилдан бери ишлаб юрганлигига эмас, балки қанча иқтидорли футболчини тарбиялаганлигига қараб бериш лозим.

Гапнинг очиғи, мамлакатимизда футболни ривожлантириш бўйича кенг имкониятлар очилди. Профессионал футбол мураббийларининг кўпчилиги хорижда ўз малакаларини ошириб қайтишди. Менимча, буни болалар футболига ҳам татбиқ этиш лозим. Ўйлайманки, футболимиз келажагини кўзлаган ЎФФ болалар мураббийлари орасидан ёш, изланувчан, меҳнатсеварларини танлаб олиб, Бразилия, Германия, Италия, Англия, Испания каби тараққий этган давлатларга тажриба ошириш учун жўнатадилар.

Вадим ЗАГОРОДНЮК, Тошкент вилояти ихтисослашган олимпия заҳиралари футбол мактаби директори ўринбосари:

— Мактабимиз фаолият кўрсата бошлаганига ўттиз йилдан ошди. Ўтган йиллар мобайнида бу ерда таҳсил олган тарбияланувчиларнинг аксарияти турли йилларда «Пахтакор», «Дўстлик», «Кимёгар», «Семурғ» каби турли жамоалар шарафини ҳимоя қилишган. Ҳозирда ҳам бу анъана давом этмоқда. Бугунги иқтидорли футболчилар Александр Гейнрих, Илёс Зейтуллаев, Қайрат Ўтабоевлар ҳам айнан бизнинг мактабимизда таҳсил олишган. Айни пайтда Чирчиқ, Ангрен, Янгийўл шаҳарлари, Бўка ва бошқа туманлардаги бўлимларимизда 600 нафардан ортиқ бола футбол билан шуғулланмоқда.

Бугун мактабимизда фақат футбол фидойилари ишлашмоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ. Мураббийларнинг иш ҳақлари жуда кам. Тарбияланувчиларимизни етарли даражада футбол тўплари, спорт



кийимлари ва бошқа спорт анжомлари билан таъминлаш катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Футбол майдонларимизнинг аксариятини ҳашар йўли билан тартибга келтирганмиз. Ювиниш, ечиниш-кийиниш хоналари, сауналарни эпақага келтириб фойдаланаяпмиз. Тўғаракларимизга қатнашни истайдиганлар сони жуда кўп. Чемпионларга ҳавас қилаётган болаларнинг райини қайтариб бўлмайди. Кимдир янги, яна кимдир йиртиқ кета, бутсиларда машғулотларда қатнашаётгани ҳам бор гап. Режа бўйича болаларни мусобақаларга олиб борамиз. Баъзан маблағ тополмасак, тадбиркор ота-оналар кўмак беришади. Ўйлайманки, Президентимизнинг ташаббуслари билан ташкил этилган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» жойларда бу каби ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишда яқиндан ёрдам беради.

Маъмур ЮСУПОВ, Тошкент шаҳридаги Республика Олимпия заҳиралари коллежи мураббийи:

— Ҳар йили пойтахтимиздаги футбол мактаблари тарбияланувчилари ўртасида анъанавий шаҳар биринчилиги ўтказилади. Унда олти ёш гуруҳи бўйича 22 тадан жамоа иштирок этади. Мусобақада Тошкентнинг энг номдор ва обрўли футбол мактаблари билан биргаликда яқин йилларда ўз фаолиятини бошлаган мактаблар ёш футболчилари ҳам қатнашади. «Чиғатой»даги футбол бўйича спорт маҳоратини ошириш олий мактабини, у ерда қандай тажрибали мураббийлар ишлашини бутун Ўзбекистон яхши билади. Аммо, шундай ажойиб даргоҳнинг тарбияланувчилари кўпинча биринчиликнинг ғолиблари қаторига кира олмай қолишади. Бу спорт-да, шунақаси ҳам бўлади дейишингиз мумкин. Лекин, масаланинг бошқа томони бор. Кўп жамоалар ўз таркибларига сохта ҳужжатлар билан катта ёшдаги болаларни жалб этишади. Болалар футболида бундай ғирромлик учрашув натижасига салбий таъсир қилади. Энг ёмони, бундай номаъқулчиликни сезган ёки кўрган болада футболга нисбатан салбий тасаввур уйғонади.

Афсуски, баъзи мусобақа ташкилотчилари, мураббийлар ўз раҳбарлари ҳамда ҳомийлари олдида обрў олиш учун қилаётган бундай хунук ишлар футболимизнинг оёғига урилган болтадан бошқа ҳеч нарса эмас. Баъзи ҳолларда ота-оналар ҳам бунга бефарқ қарашади, бемалол йўл очиб беришади. Шу туфайли болалар футболида селекция ишларини кучайтириш, мусобақаларга ғирромлик аралаштирмаслик ҳамда мураббийлар фаолиятини жиддий назорат қилиб бориш даркор. Болалар футболига ғирромликни суқиштириш бу бориб турган жиноятнинг ўзгинаси. Зарур бўлса, футболни ривожлантиришга билиб-билмай тўғаноқ бўладиган виждонсиз мураббийларни жазолаш лозим. Уларни умуман соҳага яқин йўлатмаслик.

Қўшоқвой ҳожи ҚОСИМОВ, Осиё ўйинлари ғолиби, Россия ва Ўзбекистон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон терма жамоаси сардори Миржалол Қосимовнинг отаси:

— Яқинда мен ўғлини футбол мактабига олиб борган ота-оналардан бири билан учрашиб қолдим. «Қўшоқ ака, сиздан илтимос, ўғлимнинг мураббийига айтсангиз, у ўғлимни мусобақаларда асосий таркибга қўшсин. Заҳирада ўтириб қолибди», деб қолди. Шундан сўнг, унга «Ўғлингизнинг машғулотларини кузатгани охирги марта қачон боргандингиз? Машғулотларда қандай қатнашаётгани билан ҳеч қизиқдингизми? Мактабдаги дарслардан қачон келади? Футбол машғулотларига қайси маҳал боради?» сингари бир неча саволлар берсам, танишим ер чизиб қолди. Ахир болам фалончи мураббий қўл остида шуғулланаяпти, эртага фалончидек футболчи бўлади, деган билан иш битмайди. Агар ота-оналар фарзандларининг нафақат зўр спортчи, балки, яхши инсон бўлишларини хоҳлашса, уларнинг тарбиялари билан жиддий шуғулланишлари, бир дақиқа ҳам назоратсиз қолдирмасликлари лозим. Ёшларнинг бўлмағур ишларга қўл уришларининг деярли ҳаммаси ана шу лоқайдлик туфайли келиб чиқади. Оилада ота-она уч-тўрт болага тарбия беради. Албатта, мураббийнинг бир ўзига ўнлаб болалар билан шуғулланиш осон эмас.

Шундай пайтларда Миржалолнинг эндигина футбол мактабига борган вақтлари эсимга тушади. Аввало ўғлим машғулотларга қатнашидан олдин унга учта муҳим шарт қўйгандим: «Мактабда фақат аъло баҳоларга ўқийсан. Машғулотнинг қийинчиликларига чидайсан ва ўзингдан катталарни ҳурмат қиласан.» Машғулотларга қатнай бошлагач, вақт ажратиб тез-тез унинг тренировкаларини кузатишга борардим. Ўша вақтларда яна бир таниқли футболчи Шуҳрат Мақсудовнинг отаси Турсунали ака ва бошқа ота-оналар ҳам тез-тез ўз фарзандларининг машғулотларини кузатгани боришарди. Ўғилларимиз бизни кўргач, руҳланар, янада чиройли ҳаракат қилиб,

ўзларини кўрсатишга интилишарди. Дарслардаги иштирокини кузатиб боришни одат қилгандим. Бирорта дафтарига чизмас, варақларини бўямас эди. Агар шундай бўлиб қолса, дафтарини йиртиб ташлаб, янгисига бошидан қайта ёздирардим. Худога шукур, бугун ана шу қаттиққўллигим ўз мевасини берди. Ҳозир Миржалолнинг ўзи фарзандларига ана шундай талабчан.

Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ, Ўзбекистон спорт фахрийлари Кенгаши раисининг биринчи муовини, Республика тоифасидаги ҳакам, спорт шарҳловчиси:

— Бир пайтлар ёшлар футбол ўйнашни 11-12 ёшидан бошлашган бўлишса, бугунги кунда болаларимиз 8-9 ёшидан футбол мактабларига қатнашмоқда. Германияда оилада туғилган гўдакка ота-онаси юришдан олдин сувда сузишни ўргатишга ҳаракат қилишаркан. Юртимизда футбол ҳам миллионлар ўйини сифатида ардоқланади. Бугун ота-оналар орасида фарзандининг Биродар Абдураимов, Геннадий Красницкий, Миржалол Қосимовга ўхшашини хоҳламаганлар топилмайди. Куни кеча пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги болалар боғчалари бошлаган ташаббуснинг гувоҳи бўлдим. Республикамизда биринчи бўлиб туман болалар боғчалари тарбияланувчилари, яъни 5-6 ёшлилар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Ихчам майдончаларда ташкил этилган ўзига хос турнирда Шайхонтоҳур туманидаги барча болалар боғчалари тарбияланувчилари тўп суришди. Менимча, буни юртимиз бўйлаб оммалаштирса арзийди.

Болаларни футбол мактабларига қабул қилишда «Нефтчи» жамоасининг моҳир бош мураббийи Юрий Саркисяннинг тажрибаси айниқса ибратли. Ҳар йили Фарғонадаги махсус футбол мактабига ўқишга қабул қилиш имтиҳонлари чоғида Юрий Вазгеновичнинг шахсан ўзи иштирок этади. Тажрибали мураббий махсус танловда болаларнинг иқтидорини ўзи баҳолайди. Бунинг ижобий самарасини бугунги кунда «Нефтчи» жамоасининг асосий таркибига кўплаб маҳаллий ёшлар қўшилаётганлигидан ҳам билиб олиш мумкин. Ўз навбатида «Нефтчи» жамоаси Фарғона футбол мактабини оталиққа олган. Мураббийнинг тез-тез болаларнинг машғулотларини кузатиб туриши эса ёш футболчиларни янада руҳлантириши шубҳасиз. Менимча, буни бошқа вилоят ва шаҳарлардаги етакчи жамоаларнинг мутахассис, мураббийлари ҳам амалга оширишса бўлади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда болалар ўртасида Ҳамид Раҳматуллаев, Федорченко, Олим Аширов, Михаил Ан, Шуҳрат Эшбўтаев хотираларига бағишланган турнирлар ўтказиб келиняпти. Аммо болалар футболини ривожлантириш учун бу мусобақалар ҳали камлик қилади. Эндиликда нуфузли анъанавий халқаро миқёсдаги турнирларни ташкил қилиш вақти етди. Болаларимиз ҳозирдан халқаро майдон тафтини олишса, футболимиз эртаси порлоқ бўлиши табиий.

Тошкентда мустақиллик йилларида барпо этилган ўнлаб спорт мажмуаларини кўриб ҳавасингиз келади. Илгари Ўзбекистонда «Пахтакор»дан бўлак мақтагулик стадион йўқ эди. Сўнгги йилларда қуриб фойдаланишга топширилган «Жар», «NBU-Осиё» стадионлари шарт-шароити жиҳатидан қулайлиги билан ундан ажралиб туради. Аммо шу ўринда қанчалик аччиқ бўлмасин айтиш лозим, ана шундай бир-биридан муҳташам стадионларда болаларнинг футбол ўйнашлари учун рухсат берилмаган. Бугун агар йўлингиз тушиб, «Пахтакор» футбол мактабига борсангиз, болаларнинг қандай қийин шароитда шуғулланаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу ерда тарбияланувчилар учун кўнгилдагидек яшил майдон йўқ. Ювиниш, кийиниш хоналари, иссиқ-совуқ сув тўғри-



сида гапирмаса ҳам бўлади. Яқинда иш бошлаган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси»нинг келгусида жуда кўплаб хайрли ва эзгу ишларни бажаришидан умидимиз катта. Шу ўринда бир таклифим бор. Мамлакатимиз пойтахтида фақат болалар футбол ўйнайдиган жаҳон андозаларига мос, замонавий стадион қурилса, айни муддао бўларди. Унинг асосий майдонида республика ва халқаро миқёсдаги мусобақалар ўтказилиб, ихчам машғулотлар майдончаларида чарм тўп сирларини ўрганишса, қандай яхши бўларди.

Суҳбатимиз давомида спорт анжомлари, кийим-кечаклари катта муаммо эканлиги тилга олиб ўтилди. Биз-нингча бу ҳақда ҳам жиддий ўйлаб кўриш фурсати етди. Менимча, айни пайтда имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётган «Орзу», «Малика» сингари айрим ишлаб чиқариш корхоналарини спорт саноатига мослаштириш ҳақида ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Чунки, бугунги кунда асосан хориждан кириб келаётган сифатсиз тўплар, спорт кийим-кечаклари ота-оналарга қимматга тушаётганлиги сир эмас.

Суҳбатдошлар: Сафар ОСТОНОВ, Эркин ХОЛБОБО.

Ҳикмати сўзлар маъноси

Бир кунга ҳўкиз ўлмас, икки кунга эгаси бермас

Маъноси: «Бировдан омонатга ҳўкиз сўраб олиб, ишим тезроқ битақолсин, деган мақсадда уни ўлар-тириларига қарамай инсофсизларча ишлатавериш (ер ҳайдаш ё юк ташиш) яхши эмас. Бировнинг молини ўз молингдек авайлаб ишлатишинг керак. Акс ҳолда иккинчи сафар у одамдан бир нима сўраб борсанг, илтимосингни рад этиши мумкин», дейилмоқчи.

Бир кўрган — билиш, икки кўрган — таниш

Бирор киши билан биринчи марта танишганда ёхуд бир марта кўрган, танишган, ҳамсуҳбат, ҳамроҳ, ҳамкор бўлган одам билан яна учрашиб қолган пайтда айтилади. Вар.: «Бир кун — ошна, Икки кўрган — қариндош»; «Тор ерда топишган, Кенг ерда кўришар».

Бир майизни қирқ киши бўлиб ебди

Бу мақол кишини сахийлик, тотувлик, аҳиллик, ҳамжиҳатликка ундайди. Вар.: «Бир майиз қирқ кишига етибди»; «Майизни бўлиб еса, қирқ кишига етар»; «Яхши оғайнилар бир майизни тенг бўлиб ейдилар»; «Қўнгил кенг бўлса, бир майиз қирқ кишига етади»; «Яхши кўрган дўстинг билан ёрти қурт топсанг ёриб е, бутун қурт топсанг бўлиб е»; «Халтадаги — ўртадаги»;

Бир одам ариқ қазийди, минг одам сув ичади

Вар.: «Бир одам кўприк солади, минг одам ўтади»; «Бир киши қазиган қудуқдан минг киши ичади». Маъноси: «Кўпчиликнинг манфаати йўлида қилган хизматинг зое кетмайди. Меҳнатинг самарасидан баҳраманд бўлган кишилар сенинг номингни яхшилик билан ёдга оладилар, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиромига сазовор бўласан. Шундай экан, эл-юрт манфаати йўлида меҳнату ғайратингни аяма».

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририят ходими Марфуа Абдуқодировага опаси **МАРҒУБАХОН ҳожи она**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси журналист ва адиб Мақсуд Қориевга рафиқаси **МАРҒУБАХОН ҳожи она**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти Онкология ва ультратовуш диагностика кафедрасининг доценти, тиббиёт фанлари номзоди **Абдулла НОСИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 247
16178 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.15
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA